

Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош бошқармаси томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга 13 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилганлиги тадбиркорликнинг янада жадаллашиши ва кўплаб янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.



Кейинги йилларда давлатимизнинг алоҳида эътибори туфайли Косон тумани марказида ичимлик суви таъминоти юз фоиз яхшиланди. Энди эса қишлоқларда, айниқса энг чекка ҳудудларда бу соҳадаги муаммони ҳал этиш вазифаси турибди.



Айни кунларда "Ўзбектелефильм" киностудиясида таниқли ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев сценарийси асосида фермерлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Аёл лафзи" номли 25 қисмли телесериал суратга олинмоқда.

сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда

Qishloq hayoti

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 9 IYUN, SESHANBA, 70 (7531) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Довон ошган чўққини кўзлар



Пахтакор тумани "кумуш тола" ижодкорлари " 56 тоннадан ошиқ хомашё хирмонини бунёд этишди.

— Пиллачиларимиз парваришлаган 1004 қути уруғнинг ҳар қутиси ҳисобига 55 килограммдан ҳосил етиштирилди, — дейди "Пахтакорпилла" МЧЖ раҳбари Ҳамроқул Аъзамқулов. — Ютуқларимиз омили шундаки, мавсумда барча масъулиятни ҳис этиб, илк ҳосил хирмонини яратишда баракали ҳисса қўшишди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ олган сурат.

СУРАТДА: "Пахтакорпилла" МЧЖ раиси Ҳамроқул Аъзамқулов ва жамият ҳосилоти Ойзода Жўраева қуритилаётган хомашё сифатини кўрмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ вилояти пиллачилари қабул масканларига 2600 тонна юқори сифатли қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб беришди. 52 минг қути қурт уруғининг ҳар қутисидан ўртача 51 килограммдан ҳосил олинди.

— Эришилган ютуққа Косон, Касби, Қамаши, Яккабоғ, Китоб, Қарши, Ғузор туманлари "зар тола" ижодкорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. — Жорий йил пиллачилик учун жуда қулай келди, — дейди Қашқадарё пилла ҳудудий бирлашмаси бошлиғи Асрор Жалилов. — Мавжуд 8871,1 гектар тутзорлар сифатли парваришланди. Янгидан 2 миллион 138 минг дона тут кўчатлари экилди. Пиллачиларга яратилган шароит, хусусан, бўнак маблағларининг ўз вақтида тарқатилганлиги ютуқларга асосий омил бўлди.

Ҳусан ТЕМИРОВ

СИРДАРЁ вилояти пиллачилари ҳам омилкорлик билан иш юритиб юксак "кумуш тола" бунёд этишди.

— Мавсум бошида "кумуш тола" етиштириш мақсадида республикамиз ҳудудларидаги уруғчилик корхоналаридан 11200 қути сифатли маҳаллий ипак қурти уруғи олиб келиниб жонлантирилди ва фермер хўжаликларига парваришлаш учун тарқатилди, — дейди "Сирдарёпилла" масъулияти чекланган жамияти бош зироатшуноси Шавкат Султонов. — Қабул қилиш корхоналарига 561,5 тонна юқори сифатли пилла етказиб берилди. Ҳар бир қути ипак қуртидан ўртача 50,4 килограммдан ҳосил олинди. Бу меҳнат зафарига Боёвут, Оқолтин, Ховос тумани пиллакорлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ

ЖИЗЗАХ вилояти Зарбдор тумани пиллачилари 39 тоннадан зиёд қимматли хомашёни тайёрлов шохобчаларига топшириб, йиллик шартнома режасини ошириб адо этишди. Бу ютуққа "Оқбулоқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган Муродқосим Хўжақулов раҳбарлигидаги "Темир Тўлқин" фермер хўжалиги пиллачилари катта ҳисса қўшишди. Улар қарийб бир тонна "кумуш тола" сотишди. Шунингдек, "Танти полвон" фермер хўжалигининг пиллачиси Олтиной Исмоилова, "Шодлик" фермер хўжалигининг Ўнғор Ўринбоев каби миришкорлари ҳам туман ютуғига муносиб улуш қўшишди. Зарбдорлик "кумуш тола" ижодкорлари топшириққа қўшимча равишда бир тонна хомашё топширишга бел боғлашган.

Фазилат СУЮНОВА

Юртимиз учун пахта етиштириш қанчалик узоққа тақалса, уни қайта ишлаш ҳам шунчалик узоқ тарихга эга. Барча замонда ҳам пахтадан кўпроқ ва сифатли тола ажратиб олиш энг муҳим кўрсаткич бўлган. Бу борада ҳозиргача изланишлар давом этмоқда. Шунинг учун ҳам "Қўқон-2" пахта тозалаш заводида "Пахта тозалаш корхоналарида мукаммал таъмирлашни ўтказиш ва уларни 2009 йил пахта хомашёси ҳосилини дастлабки ишлашга тайёрлашнинг илмий-техник жиҳатлари" мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари пахта тозалаш саноати мутахассислари иштирок этди.

"Кам харажат билан юқори сифат ва самарадорликка эришайлик"

"Қўқон-2" пахта тозалаш заводида бўлиб ўтган минтақавий семинар иштирокчилари бугунги кун шуни тақозо этаётганлигини таъкидлашди

— Технологик жараён дид ва илмий асосда тартибга солинган, — дейди Хўжаобод пахта тозалаш заводи директори Ихтиёр Абдуллаев. — Биз ҳали Андижонда қилишимиз зарур бўлган ишлар бор экан. Айниқса уруғлик цехидаги реконструкция модели янгилик бўлди. Пахтачиликда сифат ва ҳосилдорлик кўп жиҳатдан уруғга боғлиқ экани исбот талаб этмайдиган акциомадир. Шунинг учун "Қўқон-2" пахта тозалаш заводида уруғлик тайёрлаш марказини қайтадан қурдилар. Одатдаги жиҳозлар қаторига Испаниянинг "Юбус" технологиясини ҳам ўрнатишди. Бунда намлик, чигитнинг шикастланмаслиги ва мағизи тўқлиги юз фоиз кўрсаткич берар эди. 2008 йилда тайёрланган "С 6524" навли уруғлар унувчанлиги энг юқори даражага кўтарилди. Фермерлар орасида айнан шу корхонада тайёрланган пахта уруғлигига талаб ва эҳтиёж 2009 йилда аввалги йилга нисбатан катта бўлди. Завод мутахассислари бошқа йўналишларда ҳам таклифлар киритиб, уни амалиётга жорий этдилар. Масалан, пахтадан чанг, ғубор, ифлосликни тозалашнинг эски усулидан воз кечилиб, янги мослама яратилди. Унда сеператорлар сони камайди. Тозалаш қувурлари йўли 45 метрга қисқарди. Илгари бу жараёнга 273 киловатт-соат электр энергияси сарфланса, энди атиги 33,3 киловатт-соат қувват билан кўпроқ самарадорликка эришилмоқда. Ишчи кучи ҳам тежалди. Олти ишчи ўрнига уни битта мутахассис бошқарадиган бўлди. Натижада пахта аввалгидек ортиқча "калтакланмай" тозаланади ва ундан ажратиб олинадиган тола миқдори кўпаяди. Пахтадан 32,1 фоиз тола олиш режалаштирилган эди, жорий этилган технологик янгилик туфайли бу кўрсаткич 33,5 фоизга етказилди.

— Реконструкция чоғида сифатни оширган ҳолда маҳсулот таннархини камайтиришга ҳаракат қилдик, — дейди бош муҳандис Муҳаммаджон Ғаниев. – Масалан, илгари пахта тойи 225 килограммгача бўлган. Пресс ва насос самарадорлиги оширилгач, энди той вазни 230 килограммга етказилди. Бу нима бўларди, дейсизми? Ўрама матолари, сим бойлагич-чи? Улар тежаляптими? Ёки линтирдан момиқ сўриб олувчи кондессор КЛ иккитага етказилди. Бу ҳам даромол ўз натижасини кўрсатди. Тезлик ҳамда момиқ чиқиш даражаси ошди. Ҳатто тола ажратадиган арраларга қайта-қайта тиш очишни йўлга қўйганимиз учун бу борада ҳам маблағ тежала бошланди. Тежамкорликда майда нарса бўлмайди.

— Республикамиздаги 99 та пахта тозалаш заводининг 14 таси 2008 йилда, 10 таси 2009 йилда реконструкция қилинди, — дейди "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раисининг ўринбосари Абдуҳаким Умархўжаев. — Шулар ичида "Қўқон-2" пахта тозалаш заводи энг намунали сидир Бу ерда амалга оширилган технологик янгиланиш натижасида жорий йилда 30 минг тонна пахтани қайта ишлаш шу корхонага топширилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг салкам 95 фоизи экспорт қилинади.

Анжуманда Республика "Пахта тозалаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси" ОАЖ бошқаруви раиси Р.Юнусов, Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Ғаниев, Фарғона вилояти "Пахтасаноат" бирлашмаси раиси Й. Ҳакимов, уч вилоятдан келган мутахассислар сўзга чиқишиб, "Қўқон-2" пахта тозалаш заводи тажрибаларини кенг оммалаштириш, ҳар бир корхонада юқори самарадорлик ва сифат кўрсаткичи натижаларига эришиш, айни чоғда Қўқондаги каби технологик харажатларни камида 20 фоизга камайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

Фарғона вилояти

Яқинда Самарқанд шаҳрида "Samarkand Agrominitech Expo-2009" ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги фермер хўжалиги раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этишди.

Фермерлар учун имкониятлар

Бугунги кунда Республикамизда фермерлик ҳаракати юқори босқичга кўтарилмоқда. Қишлоқ мулкдорлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билангина кифояланиб қолмасдан, уларни қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш замон талаби эканлигини ҳис этишмоқда. Фермерлар учун янги имкониятлар эшиги очиляпти.

Шу туфайли бу кўргазманинг ташкил этилгани ҳамда унга чет эллик ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан тақдим этилган замонавий ускуналар, мева ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари иштирокчиларга маъқул бўлди.

Кўргазмада дунёнинг "Fora sea Foods", "Viniks", "Shaller", "Orkel", "Krohen GMBH", "Delaval", "Voran" каби 40 га яқин компаниялари нинг 100 турдан зиёд ишлаб чиқариш воситалари намойиш этилди, шу ернинг ўзида мижозлар учун лизинг, банк ва консалтинг хизматлари кўрсатилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

Самарқанд вилояти

Оромгоҳлар қучоқ очмоқда

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Орол бўйидан жами 5700 нафар, шундан касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳисобидан 2750 нафар болани ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига юбориш кўзда тутилган.

— Уларнинг ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари Хасен Ермағанбетов. — Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида 2008 йилги болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини ўтказишнинг якунлари, 2009 йилги вазифаларга бағишланган семинарда шу ҳақда сўз борди. Ўтган йил якунлари бўйича Тахиатош шаҳрида "Ойдин йўл" болалар дам олиш маркази мамлакатимиздаги "Энг яхши болалар дам олиш маркази" деб топилиб, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ёз мавсуми учун туман ва шаҳар чеккасида жойлашган дам олиш оромгоҳлари мавсумга тахт қилиб қўйилди. Улар 1 июндан ўз ишини бошлади.

Ёзги таътилда болаларнинг соғлиғини сақлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, концерт дастурлари билан бир қаторда спорт мусобақаларини ташкил этиш, турли танловлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда маҳаллий ҳокимликлар, "Маҳалла" жамғармаси, ҳамкор ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарган ушбу йиғилишда республикада вояга етмаганларни оммавий спортга жалб қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтириш масалалари кўриб чиқилиб, бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда мактаб, коллеж ва лицейларнинг 6,2 млн. нафар ўқувчилари ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи болаларнинг 35 фоизи мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб келаётганлиги, ўтган йили республикада 422 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 336 та спорт иншоотлари янгидан қурилганлиги, 287 таси капитал таъмирланганлиги, 128 таси реконструкция қилинганлиги, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида кейинги икки йилда 5600 дан зиёд оммавий спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 1,2 млн. нафар вояга етмаганлар жалб этилганлиги қайд этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, спорт-соғломлаштириш муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, спорт клубларининг иш фаолиятини кенгайтириш ва бу борада ҳар йиллик прогнозларни шакллантириш, хорижий мамлакатларда спортни ривожлантиришнинг илғор тажрибасини ўрганиб, амалиётга жорий қилиш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини янгилаб бориш лозимлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазири, комиссия аъзоси А.Жабборовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама қилинган масала бўйича ҳудудий комиссиялар ва тегишли муассасалар томонидан камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид остига олиниб, уларни бартараф этиш ва бу борада фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, мажлисда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 9 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	1176,03
1 Англия фунт стерлинги	2349,40
1 Дания кронаси	277,00
1 БАА дирҳами	401,42
1 АҚШ доллари	1474,09
1 Хитой юани	215,66
1 Малайзия ринггити	419,97
1 Польша злотийси	454,14
1 СДР	2282,58
1 Туркия лираси	960,95
1 Швейцария франки	1358,48
1 ЕВРО	2061,81
10 Жанубий Корея вони	11,75
10 Япония иенаси	149,81
1 Россия рубли	48,03

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқўзгалиқмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Тадбиркорлик тараққиётига – юз миллиард сўм

Бу – ўттиз мингдан зиёд янги иш ўринлари очилишига имконият яратади

Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош бошқармаси раҳбарлигида тижорат банклари томонидан мулкчиликнинг барча шакллари бўйича иш юритаётган тадбиркорларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Жорий йил учун белгиланган режалар ҳар қачонгидек салмоқли бўлиб, кичик бизнес ривожи учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан йил давомида 100 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилган. Ушбу кўрсаткич 2008 йилга таққослаганда 30 фоизга кўпдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга 13 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилганлиги тадбиркорликнинг янада жадаллашиши ва кўплаб янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.



Ажратилиши режалаштирилган маблағларнинг тижорат банкларига қарашли барча шаҳар ва туман бўлимлари бўйича алоҳида тақсимоти ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 10,7 миллиард, кам таъминланган оилаларга шахсий, ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорвачилик ривожи учун 6 миллиард, ёш оилаларни моддий жиҳатдан таъминлашга 9 миллиард, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 27 миллиард 547 миллион, ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш учун эса 19 миллиард 910 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бу борада ҳозирданоқ салмоқли ишларнинг амалга оширилганлиги қувончли муваффақиятлардан саналади. Хусусан, ўтган даврда кичик бизнес ривожини таъминлашга жами 42 миллиард сўм, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига 8,2 миллиард, аёллар тадбиркорлигига 3,3 миллиард, ёш оилаларга 3,4 миллиард, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 6,9 миллиард ҳамда ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратиб берилди.

Қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга эса йил бошидан буён 7,2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Йўналтирилган ушбу маблағлар ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда энг юқори кўрсаткич — 244 фоизни ташкил этмоқда. Бундан ташқари тижорат банклари кредити ва лизинг йўналишидаги манбалар асосида қишлоқларга 115 дона янги техника турларининг олиб келинганлиги истиқболда аграр соҳа ривожини таъминлашга хизмат қилади.

— Тақсимот асосида босқичма-босқич ажратиб борилаётган барча турдаги кредитлар ҳисобига йил охирига қадар 30 минг янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган, — дейди Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош бошқармаси бошлиғи Валижон Тўраев. — Ушбу саъй-ҳаракатлар ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий кризиси даврида мамлакатимизда Президентимиз раҳбарликларида ҳукуматимиз томонидан аҳоли манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ибратли ишлардан ҳисобланади.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Паррандачиликни бекорга қут-барака, тўкинчилик манбаи дейишмайди. Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан кўплаб соҳалар сингари ушбу тармоқни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Барча жойларда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда 2009 йилда паррандачилик соҳасини янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринлари яратишни кўпайтириш алоҳида назарда тутилган. Унга кўра "Асака банк"нинг вилоят филиали томонидан маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда "Вилоят шаҳар ва туманларининг ҳар бирида жорий йилда 2 тадан 10-15 минг парранда боқишга ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш Дастури" ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ вилоят бўйича паррандачиликка ихтисослашган 37 та хўжаликларнинг лойиҳалари тайёрланган бўлиб, уларни амалга ошириш учун 1 миллиард 270 миллион сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Ажратилиши мўлжалланган маблағларнинг 635 миллион сўми паррандачилик билан шуғулланувчи хўжалик субъектларининг ўз манбалари ҳисобидан молиялаштириш режалаштирилган. Айни вақтда Дастурга мувофиқ вилоятда паррандалар бош сони 30 фоизга кўпайтирилиб, 2,3 миллион бошга, тухум етиштириш ҳажми ҳам 30 фоизга ошириб, 175,3 миллион донага етказиш мўлжалланган. Ўтган даврда паррандачилик бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар тўлиқ молиялаштирилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига ҳозирга қадар 126 минг бош парранда боқиш йўлга қўйилди. Ҳозирда мазкур хўжаликларда ойига тухум етиштириш 1,4 миллион донани ташкил этмоқда. Масалан, банкнинг 25 миллион сўмлик кредит маблағларидан самарали фойдаланаётган Олтиариқ туманидаги "Жалилобод", молия муассасаси томонидан ҳар бири 15 миллион сўмлик лойиҳалари иқтисодий таъминланган Риштон туманидаги "Тўқсонтилла" ҳамда Данғара туманидаги "Меликўзи ота" сингари паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида бугунги кунда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Банк кредитлари туфайли жойларда кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилаётганлиги баробарида, бозор ва дўконларда паррандачилик маҳсулотлари ҳам тобора арзонлашиб бормоқда.

ЁПИҚ ДАЛАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бугун вилоятда бўлиб, шаҳар ва туманларни, қишлоқ ҳудудларини айланган киши янгитдан ташкил этилган кўплаб иссиқхоналарга дуч келади. Қувончлиси шундаки, ёпиқ дала ҳисобланган бундай майдонларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Сабаби тижорат банклари томонидан ушбу йўналишлардаги ишларга молиявий ёрдам берилмоқда.

Бу ҳақда гап борар экан, "Миллий банк"нинг вилоят филиали амалга ошираётган ибратли ишларга тўхталиб ўтиш ўринлидир. Вилоятда иссиқхоналар ташкил этиш бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, барча ишлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда. Масалан, ўтган даврда вилоятдаги 19 та шаҳар ва туманларда 59,4 гектар майдонда жами 125 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан иссиқхоналар ташкил этиш истаги билдирилган эди. Тақдим қилинган лойиҳаларнинг умумий суммаси 4513 миллион сўм бўлиб, шундан тадбиркорларнинг ўз улушлари 2553 миллион сўм, банк кредитлари 1956 миллион сўмдан иборат режа белгиланди. 2008 йилда эса Дастур бўйича 34 та лойиҳа молияланган эди. Амалдаги кўрсаткичлар жорий йилда хўжалик юритувчи субъектлар сонининг 91 тага, лойиҳаларнинг умумий қиймати 3460 миллион сўмга ортганлигини кўрсатмоқда. Ушбу рақамлар вилоятда иссиқхона ташкил этиш истагида бўлган тадбиркорлар сонининг кундан кунга кўпайиб бораётганлигини кўрсатади.

Жорий йилда Дастур бўйича молияланиши кўзда тутилаётган ялпи лойиҳаларнинг аксарият қисми, яъни 48 таси айнан "Миллий банк" томонидан амалга оширилаётганлиги эса мазкур банкнинг иссиқхоналар қурилишига нечоғли катта аҳамият бераётганлигидан далолатдир. Хусусан, молия муассасасининг кредитларидан унумли фойдаланаётган Олтиариқ туманидаги "Маматқул хожи обод" ҳамда Тошлоқ туманидаги "Муҳаммад Юсуф" фермер хўжаликлари томонидан ташкил этилган иссиқхоналардан ҳозирги кунда аҳоли дастурхонига сархил маҳсулотлар тортиқ қилинмоқда. "Миллий банк" жорий йилнинг ўтган даврида 5 гектар ерда иссиқхона ташкил этиш учун 10 та лойиҳани 258 миллион сўм маблағ билан молиялаб берди. Ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.



● ЙИЛ ДАСТУРИ АМАЛДА

ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР ФЕРМЕРГА ҚАНОТ

Бу йил фарғоналик ғаллакорлар етиштирилган ҳосилни ҳар йилдагига нисбатан қисқа муддатларда саранжомлаб олиш ниятидалар. Бунинг учун етарли асослар бор. Чунки мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилди. Хирмонлар, дон қуритиш ва саралаш агрегатлари шай ҳолда турибди.

Аксарият фермерлар ўрим ишларини белгиланган муддатлардан бир ҳафта барвақтроқ тугаллашни мўлжаллашмоқда. Негаки уларнинг кўпчилиги ўз техникасига эга. Сўнгги йилларда "Агробанк"нинг вилоят бошқармаси бу борада фермерларнинг оғирини енгил қилмоқда. Банк ўз кредити ва лизинг йўналишидаги хизматлари билан вилоятга кўплаб техникалар олиб келишни таъминламоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 104 нафар фермерга 4 миллиард 596 миллион сўмлик техника олиб берилди. Уларнинг аксариятини дон ўриш агрегатлари ташкил этди. Янги комбайнларга эга бўлган фермерлар ўз хўжаликларидаги ҳосилни қисқа кунларда саранжомлаб, қўшни майдонлардаги ҳамкасбларига ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатишди. Масалан, "Агробанк"нинг Янгиқўрғон филиали томонидан "Собиржон ўғли Қаҳрамон" ва "Худойберди Оллаберди Араббой" фермер хўжаликларининг ҳар бирига "Класс Доминатор-130" русумли дон ўриш комбайнларини харид қилишлари учун 146 миллион сўмдан кредит ажратилган эди. Фермерлар янги агрегатлар ёрдамида ўз ғаллаларини ўриб олишгач, мавсум давомида қўшни фермерларнинг 300-350 гектаргача ҳосилини саранжомлаб олишга кўмаклашдилар. Натижада ҳар бир фермернинг ҳисоб рақамига шартнома асосида кўрсатилган хизмат туфайли 28-30 миллион сўмдан маблағ тушди. Бу анъана жорий йил мавсумида ҳам давом этади. "Агробанк"нинг вилоят бошқармаси ўз мижозлари бўлган фермерларни янги техника турлари билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойларида техника сотиб олиш учун 38 фермер хўжалигига 1 миллиард 242 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Шу кунларда ҳукумат топшириғига кўра вилоятга ажратилган яна 11 дона хорижда ишлаб чиқарилган дон ўриш комбайнларини олиб келиш учун 10 та туман машина-трактор паркларига Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан маблағ ажратилмоқда.





> "Агробанк"нинг Янгиқўрғон филиали томонидан "Собиржон ўғли Қаҳрамон" ва "Худойберди Оллаберди Араббой" фермер хўжаликларининг ҳар бирига "Класс Доминатор-130" русумли дон ўриш комбайнларини харид қилишлари учун 146 миллион сўмдан кредит ажратилган эди. Фермерлар янги агрегатлар ёрдамида ўз ғаллаларини ўриб олишгач, мавсум давомида қўшни фермерларнинг 300-350 гектаргача ҳосилини саранжомлаб олишга кўмаклашдилар. Натижада ҳар бир фермернинг ҳисоб рақамига шартнома асосида кўрсатилган хизмат туфайли 28-30 миллион сўмдан маблағ тушди.

ЁШ ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Мамлакатимизда ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш бўйича алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўтган йилнинг "Ёшлар йили" дея эълон қилинганлиги, Президентимизнинг бу борадаги бир қатор фармон ва қарорлари ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўламининг не чоғли кенглигини тасдиқлайди.

Бугун Фарғона шаҳрининг А.Навоий кўчасида қад ростлаган тўрт қаватли 67-А турар жой биноси ёнидан ўтган ҳар қандай йўловчининг атрофдаги кўркамликка ҳаваси келади. Бино ҳовлисидаги майдончада мириқиб ўйнаётган болаларнинг шодон кулгулари, фарзандларини сайр қилдириб юрган ёш оналар чеҳрасидаги мамнунлик, кунора бўлиб ўтаётган уй тўйлари бу ерда яшаётган оилаларнинг шукроналигидан далолат беради. Ушбу бино айнан ёш оилаларга бериш учун "Алоқа банк"нинг Фарғона филиали томонидан ажратилган 1100 миллион сўмлик кредити билан қад ростлади. Барча шароитлар муҳайё қилингач, ўнлаб ёш оилаларга тақдим этилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ҳам ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш ва яшаш шароитларини яхшилаш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли ипотека кредитлари бериш белгилаб қўйилган. Ушбу йўналишда "Алоқа банк"нинг Фарғона филиали алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Молия муассасаси кредит қўйилмалари миқдорининг 31 фоизи қурилиш ишларига ажратилаётганлиги "Алоқа банк" томонидан вилоятдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларига салмоқли ҳисса қўшаётганлигини кўрсатади. Шу кунларда уй-жой учун навбатда турган кўплаб ёшларни хурсанд қиладиган яна бир хайрли иш амалга оширилмоқда. 1-сонли жамланган кўчма "Карвон" хусусий қурилиш корхонаси банкнинг 1 299,6 миллион сўмлик кредити ҳисобидан шаҳардаги А.Фарғоний кўчасида 7 қаватли турар жой биносида энг сўнгги пардозлаш ишларини амалга оширмоқда. Яқин вақт ичида ушбу бино ҳам ёш оилалар ихтиёрига берилади. "Алоқа банк" бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилаётган қурилиш ишларига ҳам катта миқдорда кредит маблағлари ажратмоқда. "Прада Имиджстрой" МЧЖга умумий овқатланиш маскани қуриш учун 110 миллион сўм ҳамда "Обод Отабек боғи" деҳқон хўжалигига иссиқхона бунёд этишга ажратилган 143 миллион сўм миқдордаги кредит сармоялари шулар жумласидандир.

— Вилоятда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг тўрттаси мисолида фақат тўрт соҳа бўйича, яъни паррандачилик, иссиқхоналар, фермерларни техника билан таъминлаш ҳамда қурилишга ажратилаётган кредитлар салмоғи хусусида сўз юритдик, холос, — дейди Марказий банк Фарғона вилояти Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Комилжон Усмонов. — Аслида бундай мисоллар барча тижорат банклари фаолиятида ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Бир сўз билан айтганда молия муассасаларимиз сармоялари вилоятдаги барча соҳалар ривожига, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона вилояти

Самарқанд шаҳридаги “Ёшлик” истироҳат боғида вилоятдаги фольклор-этнографик ансамбларининг фестивали бўлиб ўтди. Унда 10 дан зиёд жамоа ва кўплаб баҳшилар иштирок этишди.

Баҳшиларнинг куйларида қишлоқ оҳанглари

— “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилган бу фестивалда иштирокчилар тараннум этган ашула, рақс, лапар, айтишувлар ҳамда баҳшилар томонидан куйланган достон ва термаларда халқимизнинг қадимий урф-одатлари ҳамда бугунги кунда қишлоқларнинг тобора кўркамлашиб, жамол очиб бораётганлиги ўз ифодасини топди, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси халқ ижодиёти ва маданий-маърифий илмий методик маркази директори Зокир Тиллаев.

Айниқса, Булунғурнинг “Чавқи”, Ургутнинг “Бешқарсак”, Каттақўрғоннинг “Сарбози” каби ансамбларининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

Гимнастрада — бадиий гимнастика, акробатика, трамполин, аэробика, рақс, фитнес ва ҳатто фольклорни ўзида бирлаштирган янги спорт туридан бири саналади. Яқинда Самарқанддаги Сартепа спорт мажмуасида гимнастрада бўйича очиқ фестиваль бўлиб ўтди.

Гимнастрада мусобақаси

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, “Соғлом авлод учун” жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизлар жамоалари иштирок этишди. Унда Самарқанд шаҳри жамоаси ўзининг ажойиб чиқиши билан барча жамоаларни ортда қолдирди.


Гулруҳ МЎМИНОВА

Самарқанд вилояти

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад замирида ушбу тизим самарадорлигини янада юксалтириш, уни замонавий талаблар даражасига олиб чиқиш, энг муҳими, шу орқали халқимиз турмушини яхшилаш, фаровонлигини оширишдек муҳим вазифалар ётади. Ана шу ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири, шубҳасиз, соҳани ҳар томонлама етук, билимли ва малакали мутахассислар билан таъминлашдир. Бу — мазкур тизим учун кадрлар тайёрлайдиган ўқув даргоҳлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Тошкент Давлат Аграр университети Нукус филиали:

ИНТИЛГАН, ИЗЛАНГАН ЕТАР МУРОДГА



Ҳукуматимизнинг қарори асосида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатаётган Қорақалпоқ давлат университети аграр факультети базасида Тошкент давлат Аграр университетининг Нукус филиали иш бошлаши шу ерлик аҳолини беҳад шод этди. Мазкур илм даргоҳи аграр соҳа учун малакали мутахассислар етиштириб берадиган қалдирғоч илм масканларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб филиалда 814 нафар талаба сабоқ олмоқда. Агрономия ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, зоотехника факультетлари ҳамда 9 та кафедра етарли моддий-техника базасига, юқори илмий-педагогик салоҳиятга эгадир.

Истиқлол шарофати билан соҳада мутахассислар тайёрлаш жараёнига ўзгартиришлар киритилди. Хусусан ёш илмий ходимлар, етук педагогик кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишнинг тақдири кадрларга тўғри муносабатга боғлиқ. Олий таълимни сифат жиҳатдан такомиллаштириш талабаларга янги усулда билим беришни тақозо этади. Илм даргоҳида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда филиалда 81 нафар ўқитувчи фаолият олиб боряпти. 10 нафар фан доктори, 35 нафар фан номзоди талаба-ёшларга сабоқ беришаётир. Ўқув масканида фанларни чуқур эгаллаган, изланувчан, меҳнати билан ҳамкасблари орасида обрў топиб, ҳурмат қозонган педагоглар жамланганлиги эътиборга моликдир. Бахтиёр Жоллыбеков, Т.Осербоева, Н.Шомуротова, Р.Турғунбоев каби устозлар шулар жумласидан.

Мазкур илм даргоҳида бўлганимизда атроф обод, озода ва сариштa эканини кузатдик. Билимли, хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган, улуғ мақсадларни кўзлаган, шижоатли ўғилқизларни кўриб ҳайратландик.

— Истиқлол йилларида университетимиз фаолиятида ҳам янгича давр бошланди, десам асло янглишмаган бўламан, — Тошкент давлат Аграр университети Нукус филиали директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Елмурод Торениязов. — Соҳадаги дастур ва қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқиш ва ўқитиш ишларини жаҳон андозалари талабларига яқинлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Барча хоналар, ўқув марказлари, бўлимлар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Профессор-ўқитувчилар, талабалар интернет тармоғидан бемалол фойдаланишади. Илм даргоҳи моддий-техника базасини замонавий ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар ҳамда компьютер технологиялари билан жиҳозлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Елмурод Шерниёзовичнинг эътироф этишича, университетнинг Нукус филиали 2006-2008 йиллар давомида Фан ва технологиялар қўмитасининг 46,1 миллион сўмлик 2 та гранти соҳиби бўлди. Бундан ташқари, 2009-2011 йилларда Фан ва технологиялар қўмитаси танловида 38 миллион сўмлик 4 та гранти бўйича иш олиб борилади. Бу ютуқларда заҳматкаш олимлар Е.Торениязов, У.Исмоилов, З.Султанова, Н.Шомуротова, Б.Юсуповларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Улар ҳозирги кунда янги илмий изланишлар устида бош қотиришмоқда. Бундан ташқари, олийгоҳ олимларининг илмий изланишлари натижасида бир қанча янги навлар яратилди ва яратилаётир.

Нукус туманида жойлашган ўқув-тажриба хўжалиги илм даргоҳининг қишлоқ хўжалиги экинлари устида амалий изланишлар олиб борадиган масканларидан саналади. Шу сабаб бу ер ҳамиша илмий изланишлар, амалиётлар олиб бораётган талаба-ёшлар билан гавжум. Бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган.

Олийгоҳнинг зоотехния кафедрасига қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Рўзимбой Турғунбоев бошчилик қилади. Кафедрада бир нафар профессор, 2 нафар доцент, битта ўқитувчи фаолият олиб боради.

— Жамоамиз олимлари айни кунларда иккита грант устида иш олиб боришаётир. Булар ПРООН-ГЭР Қорақалпоғистон Республикаси Амударё дельтаси зоналарида тўқай ўрмонларни сақлаш ҳамда жанубий коллекторларнинг чорвачиликка таъсири мавзусидаги грантлардир, — дейди Рўзимбой Турғунбоев. — Ўйлайманки, бу ишлар келажакда ўз самарасини беради.

— Китоб инсон учун ҳам дўст, ҳам ҳамроҳдир. Ўқув масканида барча қулайликларга эга кутубхона ишлаб турибди. Электрон кутубхона ёрдамида талабалар белгиланган фанлар бўйича маълумотлар базасига киришлари ва билимларини мустаҳкамлашлари мумкин, — дейди филиал директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Қувончбой Айтбоев. — Биласизми, китоб ўқиш инсонга руҳий қудрат беришгина қолмай уни чор-атрофга, воқеликка теран нигоҳ билан қарашга ундайди. Биз ҳар бир талаба қалбида ана шундай хислатларни тарбиялашга ҳаракат қилаётирмиз.

Таълим масканида иқтидорли талабалар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Иқтидорли ёшлар республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти. Масалан, Германиянинг “Конрад-Аденауэр” фонди томонидан жорий этилган стипендияни 2008 йилда зоотехния факультети 2-курс талабаси Б.Нурманов қўлга киритган бўлса, 2009 йилда ушбу нуфузли стипендия 3-босқич талабаси Ю.Жаримбетовга насиб этди. Бунга қадар Юсуф Жаримбетов “Камолот” стипендияси соҳиби бўлиб ҳам улгурган эди. LOGO-EV компанияси танловларида ғолиб чиққан зоотехния факультети 3-курс талабалари Ж.Абибуллаева ҳамда Д.Ҳакимниёзовлар Германияда тажриба ошириб қайтишади.

Аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратилган, фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли асарлар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг камолотига хизмат қилмоқда, — дейди филиал директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари, тарих фанлари номзоди Навбаҳор Тлеуберганова. — Боболаримиз қолдирган бой маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни ижобий бойитган ҳолда келажак авлодга етказиб бериш бурчимиздир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Тошкент давлат Аграр университети Нукус филиалида қишлоқ хўжалиги соҳасини мукаммал эгаллаётган, чуқур билимга эга бўлган мутахассис кадрларнинг янги авлодлари вояга етяпти.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Тараққиёт тарғиботи

Йил дастури ижросида ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз учун салбий таъсирини бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларда педагогларнинг тарғиботчилик фаолияти муҳим ўрин тутади.

Давлат дастурининг бажарилишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз. Унинг энг муҳим жиҳатлари қишлоқлар қиёфасини, жойларда ҳаёт мазмунини, ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга, халқ хўжалигининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга, пировардида диёримиз аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилганлигида ўз ифодасини топади.

Давлат дастурида қишлоққа саноатни олиб кириш, касаначиликни ривожлантириш орқали янги ишчи ўринлари яратиш, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганини ўқув жараёнида ўқувчиларимизга тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан суҳбатлар ўтказилди.

Ҳар бир маҳалла ҳудудида ўчтадан савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар барпо этилгани аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилиши ҳақида тўхталиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар эканлигига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шундай чора-тадбирлардан бири сифатида аҳолининг шахсий томорқаларида, ташкилот, корхона, ўқув муассасалари ер майдонларида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш бозорларда нарх-навонинг ошмаслигига замин яратиши ва бу ишга барча бирдек бел боғлаганига урғу бериляпти. Бунга ўқувчилар мактабимизда олиб борилаётган ишларни ўзлари кузатиб, ўзлари иштирок этиб, ишонч ҳосил қилишмоқда. Масалан, илмғоҳ ҳовлисидаги гуллар ва манзарали дарахтлар меҳмонларни қарши олса, бошқа ер участкаларида турли сабзавотлар етиштирилмоқда. Шунингдек, ўқувчилар томонидан товуқ ва қуён ҳам парваришланмоқда. Бир тарафдан, бу ишлар фарзандларимизда меҳнатга ижобий муносабатни шакллантирса, иккинчидан, етиштирилган маҳсулотлар мактаб ошхонасида тайёрланаётган таомларга маза киритмоқда.

Рухсора ТУРСУНОВА,
Учқўрғон туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси.

Наманган вилояти

● Инфратузилма

Фаолиятимизнинг муҳим йўналиши

Кейинги йилларда давлатимизнинг алоҳида эътибори туфайли туманимиз марказида ичимлик суви таъминоти юз фоиз яхшиланди. Энди эса олдимизда қишлоқларда, айниқса энг чекка ҳудудларда бу соҳадаги муаммони ҳал этиш вазифаси турибди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида айни шу мақсадда уч йўналиш бўйича иш олиб борилаяпти. Биринчи йўналиш Осиё Тараққиёт банкининг 3 миллиард 712 миллион сўм маблағи эвазига мавжуд 63 та қишлоқнинг 30 га яқини ичимлик суви билан таъминланади. Бу бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Яккабоғ туманидан Муборакка тортиладиган сув қувури орқали туманимизга қарашли Чироқчи, Пистали, Сурхон, Бобур сингари чўл ҳудудлари аҳолиси тўла ичимлик сувидан баҳраманд бўлади. Шунингдек, Гала, Галаботир, Сайёд, Шербек, Бойтерак, Пудина, Эсабоб, Мудин, Кўлбуқа, Хўжакудуқ, Обидида, Тайзон, Некуз, Боғурдоқ, Каманди, Дарча, Ўзбекдарча, Қозоқли, Ушоқтепа, Оқсалла қишлоқларида бу иш 2012 йилда ниҳоясига етади.

Иккинчи йўналиш бўйича Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳомийлигида 170 миллион сўмлик иш бажарилади. 3 та қишлоқ ва туман марказидаги 5-митти туманда бу соҳада иш олиб бориляпти. “Заминҳамкорқурилиш” МЧЖ жамоаси ишни тез ва соз, сифатли амалга оширмоқда.

Шунингдек, туман ҳокимлигининг бевосита раҳбарлиги остида ишбилармон ва тадбиркорлар, қишлоқ мулкдорларининг ҳомийлигига суяниб иш юритяпмиз. 68 миллион сўмлик иш бажарилади.

